




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (12.225)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



УЧТЕПА ТУМАНИ:

РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Истиқлолимизнинг ҳар бир йилида юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, мамлакатимиз эришадиган оламшумул ютуқлар, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик қутлуғ санаси Учтепа туманида ҳам ўзига хос ютуқлар билан кутиб олинмоқда.

Қад ростлаётган мухташам бинолар, кенг ва раво йўллар, замонавий спорт мажмуалари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар кўзни қувонтираётди. Ёшларнинг таълим-тарбияси, саломатлиги, жисмонан етуқлиги йўлида корхона, ташкилот, муассасалар ҳамкорлигида режалар ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 53 та маҳалла бўлиб, шундан 17 таси кўп қаватли уйлардан ташкил топган. 31 та умумтаълим мактаблари, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 11 та олий ва ўрта таълим маскани, 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, битта баркамол авлод маркази, бешта шифохона, олти оилавий поликлиника туман ҳудудида фаолият юритмоқда. Шунингдек, 3 та стадион, 3 та спорт комплекси, 58 та спорт зали, 5 та спорт клуби, 183 та спорт майдончалари 247 минг аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Уши суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан



118,1 фоизни ташкил этди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 61,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Асосий капиталга инвестициялар киритиш режаси 100 фоиз, чакана савдо айланмаси 113,2, пуллик хизмат кўрсатиш эса 112,6 фоизни ташкил этди.

Бундай ютуқларга эришишда «БМК тревел транс» масъулияти чекланган жамияти, «Грин лайн профил» қўшма корхонаси, «Земфир текс инвест» корхоналари жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига 141 та янги иш ўрин-

лари яратилди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича жорий йилнинг январь — июнь ойларида бир қанча савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари куриб битказилиб, 74 та иш ўринлари яратилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан, ўтган олти ой давомида 3897 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, учтепаликлар Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.

(Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ўқитишнинг янги бугини — ўрта махсус, касб-хунар таълимига асос солинди. Умумий ва олий таълимни ўзaro боғлаб турувчи мазкур бугин реал иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлда қабул қилинган «Касб-хунар коллежларининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ўрта махсус, касб-хунар таълимининг сифат ва мазмун жиҳатдан бойитишга қаратилган навбатдаги қадам бўлди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

Мамлакатимиздаги барча коллежларда Васийлик кенгашларининг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди

Мазкур қарорнинг моҳияти, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла ЗИКРИЛ-ЛАЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Уза мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида олиб бориладиган ислохотлар замирида ҳеч қимдан кам бўлмаган, етуқ ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамият ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш орқали Ватанимиз жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин олишига эришишдек улугвор мақсадлар мужассамдир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўн икки йиллик узлуksиз таълимнинг муҳим қисми бўлиб, унда ўқувчиларга барча умумий фанлардан пухта билим берилиши билан бирга ўз хоҳиши-истаги, интилиши ва қизиқиши, лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши имконияти яратилган. Бугунги кунда таълимнинг мазкур бўғинига 1,7 миллиондан зиёд ўқувчи қамраб олинган. 1537 ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 214 йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда таълимнинг ушбу бўғинини мутасил ривожлантириш, тезкор давр талабларига мос тарзда такомиллаштириш юзасидан кўплаб фармон ва қарорлар, қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 28 май куни қабул қилинган «Малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида»ги қарори мазкур таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизimini янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳани илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касб тайёргарлигига эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 6 июль куни қабул қилинган «Касб-хунар коллежларининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тас-

диқлаш тўғрисида»ги қарори ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жамоатчилик бошқарувининг самарали тизimini янада ривожлантириш, таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга қаратилгандир. Қарорда ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодий вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан берилиши билан бирга ўз муҳимлиги, интилиши ва қизиқиши, лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши имконияти яратилган.

Васийлик кенгашлари касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, бинолари ва ҳудудини ободонлаштириш, таълим жараёни, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, битирувчиларни кейинчалик «коллек-корхона» тизимида ишга жойлаштириш, педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг иш шaroитини янада яхшилаш, малакаси ва қайта тайёргарлигини ошириш каби кенг қўламли вазифаларни қамраб олади.

Коллежлар фаолиятини изчил ривожлантириш учун ҳомийлар, техник қўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва бошқа маблағларни жалб этиш, ўқувчилар ва битирувчиларни, айниқса, ота-она меҳридан бебахра ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтидорли ёшларга стипендиялар ажратиш, ўқувчиларнинг ётоқхоналарда яшаш ва бўш вақтини фойдалаши ўтказиш шaroитларини яхшилаш каби масалалар ҳам мазкур кенгашларнинг доимий эътиборида бўлади.

(Давоми 4-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурларида Яраштириш комиссиялари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Самарқанд Бофанда» масъулияти чекланган жамият негизда «Poir cotton textile» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси фаолият бошлади. Хориж технологиялари билан жиҳозланган корхонада эркалар, аёллар ва болалар трикотажа маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни чоғда 70 нафар ёш иш билан таъминланди. Шунингдек, корхонанинг тўқув-бўяш, пардозлаш каби цехларида янги технологияларни ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Корхона жорий йилнинг кузида тўла қувват билан ишлашга ўтади. Натижада яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Зарафшон шаҳрининг 12-кичик туманида 24 хонадонга мўлжалланган янги уйлар куриб фойдаланишга топширилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий кон бошқармаси маъмурияти буйриғига асосан ёш оилалар шинам уйлар билан таъминланди. Айни пайтда ушбу туманда 48 хонадонга мўлжалланган яна иккита уй курилиши жадал олиб борилаётганда ҳам улар ҳам ёш оилалар ихтиёрига топширилади.

Мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури асосида олиб бориладиган кенг қўламли ишлар самарасида маҳаллий хомашё негизда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона вилоятида ҳам бу борада қирқдан зиёд корхонада истиқболли лойиҳалар амалга ошириладиган. Тошлоқ туманидаги «Стап-пласт» хусусий корхонаси шулар жумласидандир. Мазкур корхонада уй-рўзгор учун турли хил пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тўлиқ маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаётган ушбу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорга чиқарилмоқда, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

ЖАҲОНДА

АҚШнинг Сакраменто шаҳрида истиқомат қилувчи тўққиз ёшли Таниш Абраам Калифорния штатидаги олий ўқув юртининг талабаси бўлди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, АҚШ Ривер коллежида тахсил олишни бошлаган бу болакайнинг икки ёшиданок ноёб қобилият эгаси экани намоён бўлган. У тўрт ёшида олий интеллект коэффиценти юқори бўлган одамларни қабул қиладиган «Менса» ташкилотига аъзо бўлган ва беш ёшида олий математика асосларини яхши ўзлаштирган. Хабарларга қўра, Танишнинг курсдошлари ўзидан икки баравар катта. Баъзи ҳолларда, ҳатто ўқитувчилар ундан талабаларга дарс ўтиб беришни илтимос ҳам қилади.

Гвинеяда тарқалган вабо эпидемияси оқибатида сўнгги олти ой ичда олтимиш киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, ушбу офат вирус илк марта жорий йилнинг февралда аниқланган. Вабо курбонларининг аксарияти пойтахт — Конакри ва Форекариа шаҳарларида қайд этилган. Хабарларга қараганда, Фарбий Африкада жойлашган ушбу мамлакатда ҳозир мазкур хавфли юқумли касаллик билан оғриган беморлар икки минг кишини ташкил этаётди. Кузатувчилар вабо тарқалишининг асосий сабаби ичимлик сувининг ифлосланиши ва каналзация тизимининг бузилиши билан боғлиқ эканини айтмоқда.

Америкалик Спенсер Вест Африкадаги энг баланд чўққини забт этди. Ажабланирлиси шундаки, у Танзаниядаги Килиманжаро тоғининг 5895 метр баландликдаги чўққисига фақат кўллари ёрдамида кўтарилган. Боиси унинг оёқлари беш ёшида генетик бузилиш туфайли кесиб ташланган. Маълумотларга қараганда, Спенсер бундай муваффақиятга 7 кун давомида эришган. У бундан аввал ҳам бир неча чўққиларни забт этган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЭРТАГА Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан «Миллийлик номининг янги даври. Мустақиллик

йилларида яратилган, шунингдек, «Энг улуг, энг азиз» танловида эътироф этилган бадий фильмларда замонавий қаҳрамон тимсоли: муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани ташкиллаштирилади.

БУГУН Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбе-

кистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб «Маънавият гулшани» давраси «Ватан мадҳи» туркумида ўтказилаётган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЯТ тарғиботи маркази Учтепа туман бўлими томонидан «Каромат» тўйхонасида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусида маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



УЧТЕПА ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Бозор иқтисодиётининг асосий талаби харидор эҳтиёж ва талабига мос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдир. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда фаолият юритаётган бизнес субъектлари ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида тинимсиз изланмоқда.

ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Тумандаги «Мавис глобал» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган 20 турдаги қандолат маҳсулотлари ўзининг мазали таъми, сифати ва харидорғирлиги билан миқозлар эътиборини тортмоқда. 2008 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу корхонада, бугунги кунда 80 нафардан ортиқ ишчи-хондонлар фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқарилаётган ширинлик ва печенье маҳ-

сулотлари эса, шахримиз аҳолисига бирдай манзур бўлмоқда.

— Мақсадимиз маҳсулот турларини янада кўпайтириб, шахримиз аҳолисига тўйимли, хуштаъм қандолат маҳсулотларини етказиб беришдан иборат, — дейди корхона директори Фарход Мирзамухамедов биз билан суҳбатда. — Айни пайтда маҳсулотларимизни ички бозорга тарқатмоқдамиз яқин ке-

лажақда эса, ширинлик турларини кўпайтириб, янги цехлар ташкил этиш ҳисобига иш ўринларини ҳам ошироқчимиз. Мақсадимиз келажақда маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини яхшилаб чет мамлакатларга ҳам экспорт қилиш.

Яхши ният ва интилиш нурли келажаққа ишора. Умид қиламизки, «Мавис глобал» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг хушхўрлиги, юқори сифати ва чиройли кўриниши билан албатта жаҳон бозорлари расталарида ўз ўрнига эга бўлади.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарзда вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижалари кўз ўнгимизда намён бўлмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши туйғайли соҳада катта ютуқларга эришилмоқда.

Биргина Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи мисолида қарайдиган бўлсак, эришилаётган ютуқлар ва амалга оширилаётган изланишлар самараси яқол кўзга ташланади.

— Коллежимизнинг янги моддий-техник базаси, янги технология ва ускуналар билан жиҳозланган замонавий ўқув лабораториялари, ахборот-ресурс маркази, юқори малакали мутахассис ўқитувчилар, замонавий ўқув дастурлари ва таълим стандартлари ёшларнинг чуқур ва ҳар томонлама билим олиши, олган билиминини келажақда амалиётга татбиқ қилиши йўлида зарур омиллардир, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи директорининг касбий таълим ишлари бўйича ўринбосари Мирзахмад Гафоров биз билан суҳбатда. — Бугунги ёшлар учун замонавий илм-фан, янги технологиялар ва ишланмалар дунёсига кенг йўл очилган. Шубҳасиз, улар эгаллаган билим ва тажрибаларини Ватанимиз рағнақи ва янада гуллаб-яшнаши йўлида сафарбар этадилар. Юқорида таъкидланганидек, коллежимизда ёшларнинг етарлича билим олиши ва ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, 1320 ўринга мўлжалланган тўрт қаватли ушбу ўқув муассасасида ёшлар турар жойи, спорт комплекси, устахона ва қўшимча бинолар янги ўқув йилига тўлиқ таъмирланди. Коллеж ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида суғориш тизимининг тўлиқ ишга туширилиши ўз самарасини бермоқда.

Умумий ўрта мактабнинг 9-синф битирувчиларини коллежга тўлиқ қамраб олиш мақсадига ҳараётнинг режали тарзда ташкил этилиши натижасида ўқув режаси 100 фоизга бажарилишига эришилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш, механик хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича ўтказилган «Қасб маҳорати» кўрик-танловининг Республика босқичида коллеж ўқувчилари фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Маҳаллалар қадимдан маънавият ва тарбия ўчоғи, меҳр-мурувват маскани ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам маҳаллалар оилалар мустақамлигини таъминловчи, миллий қадриятларимизни улуғловчи, хонадонлар тинчлигини ҳимояловчи ноёб фуқаролик институти ҳисобланади.

— Маҳалламизда урф-одат ва анъаналаримизни эъзозлаш, улар замирида тинч ва осойишта ҳаёт кечириш, дўстик ва ҳамжihatликини қадрлаш, юзага келган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшлар бандлигини таъминлаш, кўчаларимиз ва кўп қаватли уйлар атрофининг ораста ва тоза сақлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради, — дейди «Қозигузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Носир Усмонов. Катталар ҳурматида-ю кичиклар иззатдалиги, энг муҳими, бири-биримизга бўлган меҳр-оқибат туйғайли маҳалламиз тинч ва фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, мактаб-боғчаларга кўмаклашиш, болалар спортини ривожлантириш, тўй-ҳашам ва турли маросимларни ихчамлаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги ўрнини таъминлаш — буларнинг барча-барчаси маҳалла фаоллари зиммасидаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Фурсатдан фойдаланиб, Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати би-

лан ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз. Хонадонларимиз ҳамжihatлиги, ҳамкорлиги ва бирлигига кўз термасин.

Дарҳақиқат, 4084 нафар фуқаро истиқомат қилувчи 740 та оилани ўзига бирлаштирган «Қозигузар» маҳалласи ҳаётда истиқболнинг ҳар бир йили ўчмас из қолдирмоқда.

Маҳаллада ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, уларни турмушга тайёрлаш, турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш борасида режали ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу маҳалла аҳлининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг онг ва тафаккурини теранлаштириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш, миллий қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш мақсадида маҳалла фаоллари томонидан турли соҳа мутахассислари ҳамкорлигида давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Маҳалла нурли маскан. Унда инсонлар бир-бирлари га суяниб, таяниб, аҳил-иноқ, ҳамқадам ва ҳамфикр бўлиб яшайди. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва юксалиши маҳалладан бошланади. «Қозигузар» маҳалласини бу борада барча маҳаллаларга ибрат бўла олади дейиш мумкин.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлаган
Қозим Ўлмасов олган суратлар

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларда замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, янги инфратузилмаларни шакллантириш, республикамиз қишлоқлари қиёфасини бутунлай янги босқичга кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуотида «Қишлоқ қуриш банк», «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши яхшилаш ва кўламини янада кенгайтириш масалалари, кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш ва хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларда қулайликлар яратиш ва лойиҳаларни янада такомиллаштириш мақсадида 2010 йилнинг 17 июнида Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, МЧЖ шаклидаги «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа институти томонидан уй-жой биноси умумий майдони кенгайтирилган, хоналар шифти баландлиги оширилган, иситиш қозони ҳовлининг ҳўжалик қисмига жойлаштирилган ва бошқа қулайликларга эга бўлган янги намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

2009-2011 йиллар мобайнида замонавий типда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича хусусий уй-жой қурилиши борасида амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, жами 620 дан зиёд қишлоқларда 15 мингдан ортиқ намунавий уй-жой барпо этилган.

Соҳа вакиллари анжуман иштирокчиларига 2012 йилда такомиллаштирилган намунавий лойиҳалар асосида жами 905,5 млрд. сўм қийматга эга бўлган 8510 та уй-жой қурилиши режалаштирилгани, Осиё тараққиёт банки кредит линияси ва Молия вазирлигининг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан қурилаётган уй-жой эгаларига жами 535,4 млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитлари ажратиш кўзда тутилгани ҳақида маълумотлар беришди.

Жорий йилдан эътиборан қуриладиган уй-жойлар қийматининг мўтадиллигини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2012 йил 14 январда қабул қилинган «2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори га мувофиқ, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган ёғоч-тахта ва том ёпқичларни чет давлатлардан арзон нархларда олиб келиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, уй-жойлар барпо этиладиган мавзеларда сув таъминоти объектларини қуриш бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди. Яқка тартибдаги уй-жойлар, маданий-маиший ва инфратузилма объектларининг қурилишини бошқариш, техник қузатув ва назорат функциялари «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан амалга оширилади. Ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Анжуманда журналистларнинг саволларига соҳа вакиллари томонидан жавоблар қайтарилди.
Зиёда РАСУЛОВА

ОЛИМЛАР ДАВРАСИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буйруғига биноан фан кунларини ўтказиш тараддуди кўрилмоқда. Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари ҳамда Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун махсус уюштирилаётган бу билимлар тарғиботида республика олимлари қизиқарли маърузалар билан чиқадиладар.

Агентлик мутахассислари иштирокида тадбирнинг дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра «Астрономияда ахборот-коммуникация технологиялари», «Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг янги элемент асослари», «Микропроцессорлар», «Интеллектуал ахборот тизимлари ва технологияларнинг ҳозирги замон ҳолати ва ривожланиш истиқболлари», «Рақамли телевидениенинг муаммолари ва ривожланиш истиқболлари» каби қатор маърузалар ушбу дастурдан ўрин олди.

Алоқа соҳасида таҳсил кўраётган толиби илмлар билимини чуқурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда талабалар ўртасида фан ва ўқув жараёнини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган бу тадбир «Хондайлик» спорт-соғломлаштириш масканида тўрт кун давомида амалга оширилади.

Аҳмад ОБИДОВ

Мамлакатимизда маҳалла институтининг нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар унинг фуқаролик жамиятида тугган ўрнини тобора мустақамлаштириб боришга хизмат қилмоқда. Хусусан, маҳалланинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувчи таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.



Танловлар

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

«Мустақам оила йили» Давлат дастури ҳамда яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришга қаратилган билан янада аҳамиятлидир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олмазор туман бўлини ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни рағбатлантиришга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий кадрларнинг кенг тарғиб қилиш, маҳаллалар тараққийотининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Туман ҳудудидаги барча фуқаролар йиғинлари фаолияти Низомда белгиланган мезонлар асосида ташкилий кўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди, йиғинлар фаолияти қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби асосий принципларга риоя қилган ҳолда ўрганиб чиқилиб, 100 баллик тизимда баҳоланди.

Танловда қатнашаётган фуқаролар йиғинлари орасидан энг сараланини аниқлаш ҳакамлар ҳайъати асосан кечмади. Танлов натижаларига кўра, Абдуҳолик Ваҳобов расиғлидаги «Ахил» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Малика Бабакулова раҳбарлигидаги «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи ва Мирвоҳит Мағрупов расиғлидаги «Гуруччи» маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринларни эгаллашди. Шу билан бирга мазкур уч маҳалла фуқаролар йиғинлари танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олишди. Қолган иштирокчилар орасидан 10 та номинатсия голиблари аниқланди.

Отабек ОТАЁРОВ
СУРАТДА: танловдан лавҳа

2012 йил — Мустақам оила йили

САДОҚАТ — ОИЛА КОШОНАСИНИНГ МУСТАҚАМ ДЕВОРИ

Авалги суҳбатимизда жамиятнинг асоси бўлган оилани муқаддас қасрга, иморатга менгзаган эдик. Унинг қонун-қондаларидан бири садоқатдир. Садоқат ушбу кошонанинг деворларини ташкил қилади десак хато бўлмас. Кўзга кўринмас бу фазилат аслида гўзал ва ёқимли туйғу ҳисобланади. У барқарор бўлган оилалар мустақам ва ҳар томонлама ибратли бўлади.

Кўнгил ришталарини боғламоқчи бўлган йигит-қизлар дастлаб севи, муҳаббат завқи ҳаяжонда, туйғусида ашайдилар. Албатта висолга етиш орзуси ширин дейдилар. Аммо энг катта масъулият унга етишгач, яъни оила бўнбд бўлгандан кейин бошланади. Ҳар икки тараф уйига, хонадонига дилида меҳр уйғотади. Бир-бирининг хурматини жойига қўяди. Айниқса, қизлар лаптофат, назокатлари билан эрларининг дилини ром этишдади, нафақат эрлари, балки хонадондаги қайнота ва қайнонанинг ҳам кўнглига йўл топишга, ширин сўз билан очилади ўзига нисбатан меҳр уйғотишга ҳаракат қилишдади. Шу боис оила иморатининг фақат ахшилик, хурмат ва садоқат билан қурилаётган девори мустақам, пишиқ бўлади. Учанмунчага сира ағдарилмайди. Бундай оилада дунёга келган фарзанд ҳам поэтика бўлиб, комил инсон сифатида воёга етади. Садоқат, вафо турлича бўлиши мумкин. Ватанга, онага садоқат, ёрга садоқат, вафо, фарзандга садоқат каби.

Булар ичида энг улуғи юртга, элга бўлса, яна энг кутлуғи ёрга, оилага садоқатдир. Бунинг қалбига тумор қилиб эъозлаганлар албатта ҳаётда бахтли, тахтли бўлишади. Садоқатга ҳиёнат қилганлар эса оила деворлари нурай бошлагандан кейин ғафлатда қолишади.

Афсуски, орамизда бундайлар учраб туради. Фарзандлар ризиқ-насибасини қирқиб, айш-ишрат йўлида топганини сарфлаб оила қондаларига хилоф иш тутаетганларнинг охири «вой»лигини ҳаёт аллақачон исботлаган.

Яна шу нарса қувонарлики, садоқат борасида ўзига ҳайқал қўяётганлар ҳам эҳе қанча. Ватан ҳимоси йўлида жонини қурбон қилаётганлар дейсизми, ёки ўз матонати билан республика шаънини дунёга ёяётганлар эмас. Шунингдек, Зулфияхоним, Саида Зуннунова каби тирклигида ўзига ҳайқал ўрнатган аёллар ҳам кам эмас. Улар оиласидаги садоқат деворлари йиллар оша тарихда сақланиши аниқ.

Ҳаётда садокатнинг гумон, рашк деган душманлари ҳам мавжуд. Ёки турмушга, оила қасрига енгил қараб тилла безаклар орзусида бевафолик йўлига кириб қолаётган йигит-қизлар ҳам учрайди. Аммо харом лўқма ҳеч қачон ҳам бўлмайди, дейдилар. У албатта бир жойдан «тешиб» чиққани каби оила иморатини қулатиши турган гап. Халқимизда саёқ юрган таёк етди, деб бежиз айтишмаган. Шундан асрасин. Ҳар бир янги оила иморатининг садокат, вафо деворлари мустақам бўлсин. Бирин бирдан сув ичган кўнглиларда вафо гуллари очилсин. Чунки оила — муқаддасдир.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: 1. 1981 й. «Газ 24», д/р. 11 С 9898 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 571 400 сўм. 2. 1987 й. «М-412 Москвич», д/р. 10 В 411 АА автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 525 600 сўм. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: 3. 28.10.2011 й. № 21248/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. «Матиз», д/р. 01 791 VAA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 11 730 622 сўм. 4. 25.03.2012 й. № 11375/5-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. «Матиз», д/р. 01 877 EAA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 421 500 сўм. 5. 01.12.2011 й. № 21509/21-сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. «Заз-968», д/р. М 4954 TH автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 231 796 сўм. 6. 12.07.2011 й. № 11671/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. «Ваз-21074», д/р. 30 З 9634 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 13 794 696 сўм. 7. 25.03.2012 й. № 11368/5-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. «Газ-31029», д/р. 01 X 969 CA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 784 664 сўм. 8. 24.08.2011 й. № 15697/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. «Ваз 2103», д/р. 30 U 0113 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 943 740 сўм. 9. 25.03.2012 й. № 11376/5-сонли ижро ҳужжати асосан 2004 й. «Ваз-21070», д/р. 10 N 8899 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 9 818 226 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот Марказида сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: 10. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. «ФОРД», д/р. 11 W 9662 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 212 508 сўм. 11. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. «Ваз 2102», д/р. 11 W 872 DA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 068 481 сўм. 12. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжати асосан 1979 й. «Ваз 2102», д/р. 11 P 6347 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 028 109 сўм. 13. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжати асосан 1969 й. «Газ 21», д/р. К 3894 ТШ автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 057 779 сўм. 14. 15.02.2012 й. № 3913-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. «Ваз 21011», д/р. 11 K 5047 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 718 253 сўм. 15. 14.11.2011 й. № 13128-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. «УАЗ-452Д», д/р. 11 N 3476 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 521 393 сўм. 16. 22.11.2011 й. № 13297-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. «HAFEI», д/р. 11 J 865 CA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 281 744 сўм. 17. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. «ИЖ 21-25», д/р. 11 L 2296 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 068 787 сўм. 18. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. «УАЗ 452», д/р. 11 L 4829 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 134 397 сўм. 19. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. «УАЗ 452», д/р. 11 N 2357 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 174 419 сўм. 20. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. «Ваз 2108», д/р. 11 W 991 CA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 4 115 553 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари «Бекободсавдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. 21. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. «ДТ-75», д/р. 6/н автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 274 160 сўм. 22. 14.11.2011 й. № 11 С 6984 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 016 955 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари «Зафар АТС» х/к омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 6 сентябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 23. «ИЖ 33029», д/р. 6/н автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 901 097 сўм. 24. 1954 й. «Победа Газ-20», д/р. 30 R 1956 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 3 981 860 сўм. 25. 2001 й. «Мидибус-23.9», д/р. 11 AO 277 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 5 030 999 сўм. 26. 2001 й. «Мидибус-23.9», д/р. 11 AO 344 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 647 119 сўм. 27. 2001 й. «Мидибус-23.9», д/р. 11 AO 180 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 931 105 сўм. 28. 2002 й. «Мидибус-24.9», д/р. 10 273 ААА автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 701 415 сўм. 29. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 338 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 931 105 сўм. 30. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 349 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 931 105 сўм. 31. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 356 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 954 070 сўм. 32. 2002 й. «Мидибус-24.9», д/р. 10 119 BAA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 701 450 сўм. 33. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 278 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 954 070 сўм. 34. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 357 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 747 380 сўм. 35. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AO 339 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 931 171 сўм. 36. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AJ 916 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 288 174 сўм. 37. 2001 й. «Мидибус-24.9», д/р. 11 AJ 904 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 288 174 сўм. 38. 2001 й. «Мидибус-23.9», д/р. 11 AO 152 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 335 197 сўм. 39. 2001 й. «Мидибус-23.9», д/р. 11 AQ 155 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 987 214 сўм. Савдога Бекобод шаҳар туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 40. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. «М-412», д/р. 10 G 4538 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 391 673 сўм. 41. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. «ЗАЗ-968-М», д/р. 11 S 1813 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 126 853 сўм. 42. 04.08.2010 й. № 7317-сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. «УАЗ 452», д/р. 11 V 9639 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 344 375 сўм. 43. 12.01.2010 й. № 14-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. «ГАЗ 24», д/р. 11 U 7834 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 241 532 сўм. 44. 23.07.2012 й. № 7691-сонли ижро ҳужжати асосан 1973 й. «Ваз 2103», д/р. 11 Z 4513 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 3 484 000 сўм. 45. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. «Москвич 2140», д/р. 11 V 5694 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 223 000 сўм. 46. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. «УАЗ-452А», д/р. 11 T 9673 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 547 770 сўм. 47. 01.08.2011 й. № 7863-сонли ижро ҳужжати асосан 2001 й. «Газ 3102», д/р. 10 Z 934 CA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 6 253 200 сўм. 48. 07.04.2009 й. № 3276-сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. «ВАЗ 2101», д/р. 11 Q 4625 автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 778 707 сўм. 49. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжати асосан 1971 й. «М-412», д/р. 91-91 ТШ автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 283 505 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари «Бекобод савдо» омборида сақланмоқда. Савдога Зангиота туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 50. 3701/6-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. «ВАЗ 21061», д/р. 10 Q 984 VA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 488 000 сўм. Автотранспорт воситаси «BURXON-SAVDO» МЧЖ саклаш омборхонасида сақланмоқда. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 51. 27.07.2011 й. 13111/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. «Ласетти», д/р. 01 В 797 DA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 32 000 000 сўм. 52. 02.06.2010 й. 9579/21-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. «Эника 1», д/р. 01 V 638 GA автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 56 000 000 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари «Нумизматика» МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 21 сентябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 21 сентябрь кун соат савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такорий савдо 2012 йил 8 октябрь кун бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагиди талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотек банк» АТИБ Шайхонтохур филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипақ йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

Миллий матбуот марказида «Янги ўқув йилида таълимни сифат босқичига кўтаришнинг долзарб масалалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда Халқ таълими вазирлиги ходимлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий аxbорот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда янги ўқув йилида таълим мазмунини таъминлаш ва уни янги сифат босқичига кўтариш йўлида тизимга жорий этиладиган янгиликлар, илгор тажрибалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Иштирокчилар учун биринчи синф ўқувчиларига бериладиган «Президент совгалари», кам таъминланган оила фарзандларига берилмаган ўқув куроллари ва кийим-кечаклар, мактаб бозорлари ва ярмаркалари, 2012-2013 ўқув йилида тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар, мактаб формаси бўйича кўргазмалар ташкил этилди.

Янги ўқув йилида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кийиниши борасида ҳам қатор таклифлар илгари сурилмоқда. Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 7 июндаги «Умумий ўрта таълим мактабининг ички тартиб-қондаларини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида ўз ички тартиб қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар ва устоз-мураббийларнинг кийиниши ва ташқи қиёфасига қўйилмаган талаблар жорий этилган. Ҳар бир умумтаълим мактаби жамоаси ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан келишган ҳолда мактаб формаси танлаш ҳуқуқига эга. Мисол учун, Андижон вилояти ҳокимлиги ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кийиниш борасидаги вилоят педагогларининг таклифини қўллаб-қувватлаган ҳолда кам таъминланган оила фарзандларини ҳомийлик асосида кийим-бош билан таъминлаш ташаббуси билан чиқди.

Бозирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиздаги таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур низом билан таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиб-қондалари кўрсатиб берилди. Вазирлиқнинг 2012 йил 25 майдаги буйруғи қабул қилиниб, у асосида «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом рус ва ўзбек тилларида барча мактаб ва лицейларга етказилди.

Шунингдек, ўтган ўқув йилида халқ таълими муассасалари ҳаётида яна бир муҳим аҳамиятга молик янгилик жорий этилди. Яъни вазирлиқнинг 2012 йил 13 июндаги буйруғи билан халқ таълими муассасасининг Вазирлик кенгаши Намунавий Низомни тасдиқланди. Вазирлик кенгаши таълим муассасасида ўқувчиларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишлари учун қулай соғлом муҳитни яратиш, ўқув ва моддий-техник базасини мустақамлаш, ўқувчиларнинг ўқиши ва маънавий-маърифий, маданий ҳамда спорт тадбирларида иштирок этиши учун шарт-шароитларни яхшилашда таълим муассасаси раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш, дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва такомиллаштиришга кўмаклашишда иштирок этади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари республикамиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Бу борада бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарорларда авваламбор йўловчи транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда йўловчилар ташиш фаолиятини юридик ҳужжат шаклида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарорларда авваламбор йўловчи транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда йўловчилар ташиш фаолиятини юридик ҳужжат шаклида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Олмазор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам жисмоний шахслар томонидан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида ҳар иккала қарор талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 августи ҳолатида 57 та назорат тадбирлари ташкил этилган бўлиб, жисмоний шахсларнинг 69 та автоуловчи текширувдан ўтказилган. Натижада 57 та ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйилганлиги аниқланди. 46 нафар қонунбузар ҳайдовчига 21170,9 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган. Битта ҳолатда эса жиноий иш кўзга тилланган.

Туман солиқ инспекцияси томонидан жисмоний шахсларнинг аҳолига пуллик хизмат кўрсатишлари соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Азиз ҲАМДАМОВ,
Олмазор тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик сўдининг 2012 йил 13 январдаги 10-119/20440-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Розий 1-тор кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 6941 кв.м бўлган, 2 та блокдан иборат, 4 қаватли бино-иншоот ва тикув шеҳидан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси — 1 567 664 263,56 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 24 сентябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 21 сентябрь кун соат 18:00.

Шунингдек, аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро сўдининг 2012 йил 26 январдаги 1-199/122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипақ йўли кўчаси, 352-уйда жойлашган умумий майдони 247 кв.м, қурилиши ости майдони 153,6 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 65,53 кв.м., ашаш майдони 30,5 кв.м бўлган уй такоран қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси — 62 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 12 сентябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок эти



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай Васийлик кенгашларининг ташкил этилиши ҳар бир ўқувчининг ўқиши ва келгусидаги фаолияти доимий эътиборда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасидаги тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширади.

Васийлик кенгаши юртимиздаги ҳар бир касб-ҳунар коллежида тузилиб, жамоатчилик асосида ишлайди. Унинг таркибига маҳаллий ҳокимлик органлари, вазириликлар, идоралар, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, жойлардаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида аъзолик ва мақсадли бадаллар, турли ташкилотлар

ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари, шунингдек, бошқа маблағлар ҳисобига кенгаш ҳузурида Васийлик жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағларидан кенгашнинг

ҳўжалик фаолияти зарарини қоплаш, шунингдек, ходимларнинг қўшимча соини таъминлаш учун фойдаланиш таққиланади. Касб-ҳунар коллежи директори ҳар йили кенгаш олдида Васий-

лим муассасалари раҳбарлари учун мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришга оид амалий семинарлар ташкил этилди.

Буларнинг барчаси коллежлардаги таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигини янада ошириш, коллежларнинг ободонлаштириш, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжига мос тарзда мутахассислар тайёрлаш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ўташи ва келгусида аниқ иш жойида фаолиятини бошлаши, ижтимоий муҳофазасида муҳим аҳамият касб этади.

Бундай кенг кўламли ишлар Президентимиз Исрол Каримов томонидан мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ёшларни кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА ёзиб олди

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

мақсадлари, вазифалари ва ҳуқуқларини амалга оширишда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмаларида касб-ҳунар коллежи учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб рақамлари очилади. Васийлик жамғармасининг бир йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиги олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади. Жамғарма маблағларидан касб-ҳунар коллежининг

лик кенгаши маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши бўйича ҳисобот бериб боради.

Жорий йилнинг 18-30 июль кунлари барча коллежларда ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар билан биргаликда Васийлик кенгашларининг таъсис йилгилишлари ўтказилди. Унда кенгашлар низомлари ва аъзоларининг рўйхатлари тасдиқланиб, таълим масканларининг меъёрий ҳужжатлари ушбу низомга мослаштирилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида масъул шахслар, таъ-

Спорт янгиликлари

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Маълумки, 11 сентябрь куни Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентда Жанубий Корея терма жамоаси билан жаҳон чемпионати саралаш турнири тўртинчи босқичининг учинчи турда куч синашади.

Ушбу муҳим беллашувга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида миллий терма жамоамиз назорат-ўртоқлик учрашувларида омадини синаб кўрди. Кунни кеча Иорданияда Иордания — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртоқлик баҳсларида беллашишди.

Дастлабки баҳсда ҳар икки терма жамоа бош мураббийлари майдонга ўзларининг кучли футболчиларини чақирди. Учрашувнинг биринчи бўлими деярли тенг курашлар остида кечди. Аммо иккинчи бўлимдан терма жамоамиз устунлиқни ўз томонига оғдириб, мезбонлар дарвозаси томон кўп марта ҳавфли ҳужумлар уюштирди. Бу ҳужумлар самара бериб, Темур Кападзё гол урди. Ушбу гол уйин охиригача ягоналигича қолди.

Иорданиялик чарм тўп усталари билан кечган иккинчи ўртоқлик учрашувда Миржалол Қосимов асосан умидли ёш футболчиларни синовдан ўтказди. Аммо майдонда асосий таркиб билан ҳаракат қилган мезбонлар бу сафар сермазмун ўйин намойиш этишди ва учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди.

Энди ҳамюртларимиз қувайтлик ҳамда ироқлик чарм тўп усталари билан назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашишади.

Жорий йилнинг сентябрь ойида футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Португалияга сафар қиладиган бўлди.

ЕВРОПАДА ЎҚУВ ЙИГИНЛАРИ

Гап шундаки, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда мини-футбол ассоциацияси ҳамкорликларида мамлакатимиз футбол терма жамоаси ўйинининг шаклланишини таъминлаш, футболчиларнинг руҳий, жисмоний имкониятларини яна бир бор кўздан кечириб олиш мақсадида Португалияда ўқув-йи-

гин машғулотлари уюштирилади. Муҳими, ана шу машғулотлар доирасида нафақат Европанинг, балки куррай заминнинг энг кучли терма жамоаларидан бири Португалия футболчилари билан Ўзбекистон терма жамоаси ўртасида иккита назорат-ўртоқлик учрашув ташкил этилади.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА томонидан дунё терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки поғона юқорилаб, 63-ўринга кўтарилган.

Осиё миқёсида эса миллий терма жамоамиз Япония, Австралия, Жанубий Корея ва Эрондан кейинги ўринда бормоқда.

Рейтинг жадвалини ҳамон жаҳон ва Европа чемпиони Испания бошқариб борапти. Жадвалнинг кучли учлигидан Германия ва Англия миллий терма жамоалари ўрин эгаллаган.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Қутқарувчи ким? Унинг асосий вазифаси нималардан иборат?

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тезкор навбатчилик қисмига мурожаат орқали келиб тушган кўнғироқлардан ҳам билса бўладикки, бугунги кунда қутқарувчиларимизнинг кимлигини ва улар нималарга қодирлигини қандай юмушларни амалга оширишини кўпчилик яхши биладиган бўлиб қолди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ХИЗМАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Ростини айтганда, истиқлолгача бўлган даврда инсонларнинг қутқарув тизими хусусидаги тасаввурлари бу қадар ойдинлашган эмас. Ҳозирда аксарият инсонлар қандай кўринишда бўлмасин, бир хавф рўй бергудек бўлса, дарҳол нажот сўраб, қаерга ва кимга кўнғироқ қилишни яхши билишади.

Биров лифт ичида қамалиб қолганда, кимдир ошхонасига ёни қиздиришга қўйиб, ташқарига биров чиққани эшиги ичкаридан қулфланиб қолгани ёки қайсибир фуқаронинг ягона калитини йўқотиб, кўп қаватли уйдаги хонадонига киришининг иложини тополмай хунуб бўлгани ва шунга ўхшаш кўнғилсиз ҳолатлар учраб қолгудек бўлса, Тошкент шаҳар ФВБ Авария-қутқарув гуруҳи туну кун хизматга шай туради.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этмоқчимизки, бошқармаимиз қутқарувчилари томонидан рўй бериши эҳтимоли бўлган юзлаб, балки минглаб хавф-хатарларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди, десак муболага бўлмайди. Чунки, турли кўринишдаги воқеа-ҳодисаларга рўбарў келган халоскорларимиз қидирув-қутқарув ишларида иштирок этавериб, тажриба ва малакаларини тобора ошириб бормоқдалар.

Ана шундай тажриба ва амалий кўникмалар уйғунлиги қутқарув хизмати тизимининг тўла шаклланишига, сифати ва самарадорлигининг янада юксалишига олиб келиши табиий. Қутқарувчилик нафақат шарафли ва масъулиятли, балки универсал касблардан бири, дейишимизга барча асосларимиз етарли. Бунга мисоллар ҳам бир талай.

Ўтган йилнинг ёзида бошқарма Тезкор навбатчилик қисмига аҳолидан тушган мурожаатларга кўра, қутқарувчи-халоскорлар томонидан Юнусобод туманидаги бир хонадоннинг чордоғидан, Мирзо Улуғбек туманидаги уйнинг ертўласида пайдо бўлган илонларнинг тутиб олигани туфайли хавф бартараф этилгани ҳақида хабар бергандик.

Эътиборли жиҳати шундаки, бошқарма тезкор навбатчилик қисмига келиб тушадиган кўнғироқлар ҳам турлича. Шундан ҳам билса бўладики, вазиятлар, ҳолатлар, воқеа ва ҳодисалар ҳам хилма-хил кўринишга эга. Яқинда бошқарма Тезкор навбатчилик қисмига телефон орқали мурожаат этган фуқароларнинг илгари қутулмаган ҳолат бўйича саросимага

тушиб, кўнғироқ қилишгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмас керак.

Нима эмиш, Мирзо Улуғбек тумани «Қизмозор» қабристонини ҳудудда улкан эчкиэмар бор экан. У шу атрофда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳаётига хавф солиши мумкин эмиш. Бу — ҳақиқатдан ҳам қутулмаган ҳолат. Бунга ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўлади. Негаки, йирик сутэмизувчилар туркумига кирувчи бундай жонзотлар яйдок чўлу биёбонларда, дала-дашларда ёки қир-адирларда учраши мумкин. Шаҳарнинг қоқ марказида эса... Бунга ишониб қийин. Шундай бўлса-да, бошқарма авария-қутқарув гуруҳи командири сержант Мақсуд Мансуров бошчилигидаги экипаж аъзолари асбоб-ускуналарни машинага жойлаб, йўлга отланишди.

Бошқарма Тезкор навбатчилик қисмига кўнғироқ қилган шахсларнинг саросимага тушиб, хавотирланганича бор экан. «Қизмозор» қабристонини ҳудудига зудлик билан етиб келган қутқарувчилар гуруҳи ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлишди. Ҳақиқатан ҳам узунлиги нақ бир ярим метр келадиган улкан эчкиэмар қабристонда турган экан.

Қутқарувчилар уни тутишга чоғланган пайтда ваҳший жонзот бўйинини даст кўтарганча оғзини катта очиб, ҳамла қилишга ўтди. Қутқарувчилар ҳам анойи эмас. Дарҳол чап берганча, уни таъқиб қилишга чоғланишди. Яна ҳамла қилишга кўзи етмаган жонзот қочиб, беркинлига тушди. Ниҳоят, у қабристон четроғидаги чуқурга бориб, беркинлига улгурди. Бундан фойдаланган қутқарувчилар ўзлари билан олиб келган асбоб-ускуналар ёрдамида уни тириклай тутиб, қолга солишди. Улкан эчкиэмар «Тошкент ҳайвонот боғи» ходимларига топширилди.

Қутқарувчиларнинг ишини кузатиб турган аҳоли пойтахт халоскорларининг довурақлигига ва маҳоратига қойил қолди. Ишонинг самарали яқун топишда чапдаст, эгчил бошқарма қутқарувчилари — Шерзод Одилов, Анвар Жўраев, Ҳасан Шонусратов ҳамда Маъмурий ҳўжалик бўлими бошлиғи оддий аскар Улмас Сафаров, «Қутқарув кучлари бўлими» бошлиғи хизматчи Отабек Хушвақтовларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Азамат СУЮНОВ, журналист



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Чўзилган иш — ғаму ташвиш.

Бахт берган нақд ҳам берар.

Мавҳум мисол шубҳа уйғотади.

Муаммо кўпинча йўқ жойдан келиб чиқади.

Одамнинг соддаси ўзини ўзи тутиб беради.

Самимий киши бировдан яширин иш қилолмайди.

Инсоннинг энг ашаддий душмани аслида ўзи.

Муттаҳамдан қарз олсанг, кафанга-до қилади.

Ҳаёт ташвишларини фақат меҳнат билан енгиш мумкин.

Меҳр дарахтида оқибат меваси етилади.

Кимнинг умр дарахтининг меваси ширин, кимники аччиқ.

Кўпинча қийин деб ўйлаган нарсамиз осон, осон деб ўйлаган нарсамиз қийин бўлади.

Албатта, режасининг бузилишини ҳеч ким ҳам истамайди. Лекин ҳаёт, одамлар кўпинча режаларимизнинг оёғини осмондан келтиришади.

Фаросатли хотин эридаги ҳар бир ўзгаришни дарҳол пайқайди.

Нафс кишини қайси кўчаларда сарсон қилмайди.

Одамлар нукул ўзгаларни муҳокама қилишади-ю ўзлари ҳақида сира ўйлаб кўришмайди.

Нодон сира феълени тузатишга ҳаракат қилмайди.

Одам дегани бир-ярим гапни ичига ютиши ҳам керак.

Шундай қилмасанг, бошинг жангу жанжалдан чиқмайди.

Бахти чопган бахти қайтганининг кўзига ёмон кўринади.

Бугунги ишни эртага қўйма — эртанинг ҳам ўз ташвиши бор.

Бир нарсга эришсанг, ҳамма ўзини озми-кўпми даҳлдор деб билади. Гуноҳкор бўлиб қолсанг, ҳамма ўзини олиб қочади.

Бировга ёмонлик қилма: айбинг бўлса, айбининг фош этади, айбинг бўлмаса тўхмат қилади.

Бировнинг суҳбатини бўлиб қўйишдан ёмони йўқ.

Машҳур кишининг хотини бўлиш фақат обрў-эътиборда яшаш дегани эмас — унинг ўзига яраша ранжу азоблари ҳам бор.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛГАДИ

Ташкент шаҳрида 22 август куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёнғинарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 5-10 метр тезликда шамал эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз кўнайтиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.

Азамат СУЮНОВ, журналист